



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 18 май, № 96 (5770)

Шанба

Модернизация ва инновацион технологиялар

саноат тармоқларида юқори ўсиш суръатларига эришишнинг муҳим омилдир

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Машинасозлик саноати ривожини инновацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда мазкур соҳага ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш субъектларини модернизациялаш жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Бинобарин, технология янгиланган корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар, ўз навбатида, экспортга чиқарилаётгани билан аҳамиятлидир.

Жумладан, 3,5 минг нафардан ортиқ ишчи ва муҳандис меҳнат қилаётган Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Навоий машинасозлик заводи (НМЗ) бу борада етакчи ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади. Хусусан, корхонанинг металл ва ёночга ишлов берувчи дастгоҳларига нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб тобора ортиб бораётган.

(Давоми 2-бетда).



Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

“2013 — 2015 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”га кўра, Оролбўйи минтақасида 272,2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестициялар ҳисобига саноат йўналишида 303 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Оролбўйида яна бир лойиҳа

Хўжайли туманилик тадбиркор Фахриддин Еримбетов ташаббуси билан фаолияти йўлга қўйилган “Қароматдин-Дилноза” хусусий корхонаси ҳам мазкур дастур доирасида ишга туширилди. Банкнинг 50 миллион сўмлик кредити ҳисобига амалга оширилган ушбу лойиҳа натижасида корхонага хорижнинг замонавий дастгоҳлари келтириб ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда ойига 4 тонна уч турдаги полиэтилен пакетлар ишлаб чиқаришмоқда.

Этиборлиси, шу кунгача буюртмачиларга 50 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қўшимча тармоқ афзаллиги

Бойсун туманидаги “Жило Файз” корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган мебель жиҳозлари тури юзтага етди.

Корхона жамоаси бу билан чекланиб қолмай, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар учун пишиқ гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган, қиймати 240 минг долларлик лойиҳани рўёбга чиқарди. Хозир бу ерда хорижнинг илгор технологияси асосида кунига 20 минг донагача сифатли девор-боп материаллар тайёрланапти.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қурилиш учун зарур хом ашё

Қамаши туманидаги “Умид” корхонасида янги тармоқ асос солинди. Бу ерда қурилиш хом ашёси — майдаланган шагал ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бунинг учун умумий қиймати 300 миллион сўмлик технологик ускуналар келтириб ўрнатилди. Пировардида корхонада кунига 300 тонна тошни майдалаш имконияти вуқудга келди. Этиборлиси, янги тармоқнинг ишга туширилиши ҳисобига қурилиш материалларини ташиш масофаси қисқарди.

— Қурилиш материалларининг бир қисми ўзимизда тайёрланаётгани жойларда олиб бораётган бунёдкорлик ишларини жадаллаштиришга хизмат қилмоқда, — дейди фирма раҳбари Сайид Холляров. — Айни пайтда Каттаўра қишлоғида 180 ўринли коллеж биноси, Лойқасой ва Чироқчи туманидаги Оқолтин қишлоқларида коллеж филиаллари устaxonаларини барпо этаяпти.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорлик баракаси

Пахтакор туманидаги “Сирожиддин Файз” хусусий фирмасида фаолият тури кенгайиб, қандалат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бунинг учун фирманинг ўз маблагидан ташқари, 75 миллион сўмлик банк кредити йўналтирилди. Корхонада айни пайтда кунига 1,5 тонна ун қайта ишланиб, тайёрланаётган нон ва қандалат маҳсулотлари буюртмачиларга етказиб берилаяпти.

— Ўз фаолиятимизни бундан 19 йил аввал умумий овқатланиш шохобчасини ташкил этиш билан бошлаган эдик, — дейди фирма раҳбари Раҳмон Турсунов. — Тадбиркорлар учун яратилган қулайлик ва имтиёزلардан фойдаланиб, бизнесимизни шакллантириб бордик. 2009 йилда ишга туширилган 400 ўринли замонавий тўйхонамиз халқимиз хизматига. Айни пайтда савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасини бунёд этаяпти.

Туманда жорий йилнинг ўтган даврида янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида кичик бизнес вакилларига 2,8 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, 800 тага яқин иш ўрни яратилди.

Улукбек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХУҚУҚИЙ ТАЖРИБА

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш моделининг асосий жиҳатларидан биридир.

Ошкоралик ва масъулият уйғунлиги

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси нормалари синови бўйича ҳуқуқий тажрибанинг ўтказилиши мазкур йўналишдаги янги қадамдир.

Булар Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги эксперимент субъектлари вакиллари фикр-мулоҳазалари ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Ўткир ОЧИЛОВ, Бухоро давлат университети ўқитувчиси:

— “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойи-

ҳасини ҳуқуқий тажрибадан ўтказишга қаратилган ташаббусни катта қизиқиш билан кутиб олди. У илм-фан вакиллари учун ҳам жуда муҳим. Ахир ҳар бир тадқиқотчи илмий иш олиб борар экан, маълумот олишга эҳтиёжи бўлади. Ана шундай ахборотнинг маълум қисми эса давлат органлари томонидан тақдим этилади. Янги қонуннинг қабул қилиниши ахборот олиш имкониятларини кенгайтиради. Шулар баробарида, бугунги кунда биз талабаларга ҳуқуқий тажрибани ўтказишнинг аҳамияти ҳамда мазмун-моҳиятини тушунтираяпмиз.

(Давоми 2-бетда).

Интерактив хизматлар кўлами кенгаймоқда

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида жорий йилнинг 15-16 май кунлари бўлиб ўтган “Best Soft Uzbekistan — 2013” дастурий маҳсулотлар кўргазмасида Давлат солиқ қўмитасининг “Маълумотларни қайта ишлаш ва солиққа оид ахборотларни сақлаш маркази” лойиҳаси “2012 йилда жорий этилган энг яхши лойиҳа” номинацияси бўйича голиб деб топилди.

ЭЪТИРОФ

Мамлакатимизда олиб борилаётган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, улар томонидан аҳолига тезкор ва сифатли интерактив хизматлар кўрсатилишини таъминловчи “Электрон ҳукумат” тизимини яратишга йўналтирилган оқилна сиёсат доирасида Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ хизмати органлари фаолиятининг барча йўналишларида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда. Натижада бугунги кунда давлат солиқ хизмати органлари — кенг кўламли вазибаларни бажаришга қодир бўлган, техник жиҳатдан юқори модернизациялашган тизим сифатида тўлиқ шаклланди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистоннинг юксак салоҳиятига бағишланди

Будапештда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий муваффақиятлари, сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Венгрия пойтахтининг ижтимоий-сиёсий, экспорт-тахлил ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида ўтказилган мазкур тадбирда асосий эътибор мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, аҳоли турмуш тарзини юксалтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини ривожлантириш йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирларга қаратилди.

Унда таъкидланганидек, Ўзбекистонда сармоялар олиб кириш ва саноат корхоналарини ташкил этиш учун қўлай шарт-шароит яратилгани боис республиканинг сармоявий жозибадорлиги йилдан-йилга ошиб бораётгани ислохотлар, аҳоли турмуш тарзини юксалтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини ривожлантириш йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирларга оид ахборотлар

ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг тараққиёти хусусида ҳам атрофчилик фикр-мулоҳазалар билдирилиб, юртимизда туризм инфратузилмасини жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани алоҳида қайд этилди. Тадбир қатнашчилари бугунги кунда Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарларини бориб кўриш истагида бўлганлар сони европаликлар ўртасида ҳам тобора кўпайиб бораётганини эътироф этдилар.

Венгрия Миллий ассамблеяси депутата-

ти Ф. Папчак халқларимиз ўртасидаги ўзаро мулоқот бой тарихга эга эканлигини таъкидлаб, ҳар икки халқ узок йиллар мобайнида бир-бирининг урф-одат, анъана ва маданиятини ўрганишга катта қизиқиш билдириб келганига эътибор қаратди.

Ф. Папчак “Ўзбекистон — Венгрия” дўстлик гуруҳининг фаолиятига алоҳида тўхталди. У, шунингдек, икки мамлакатнинг илм-фан, маданият арбоблари ва ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш зарурлигини ҳам айтиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИР

Маълумки, мамлакатимизда замон талабларига мос келаётган божхона хизматини ташкил этиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Малакали кадрлар божхона тизими ривожига алоҳида ўрин тутаяди

Аввало, соҳанинг мустақам ҳуқуқий асоси яратилганини айтиш зарур. Жумладан, Божхона кодекси ҳамда “Бож тарифи тўғрисида”ги Қонун ҳаётга татбиқ этилди. Шунга мос ҳолда соҳа учун малакали ходимларни тайёрлаш мақсадида 2003 йили Солиқ академиясида “Божхона иши” факультети ҳамда Марказий Осиёда ягона бўлган Олий ҳарбий божхона институти ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

Маҳаллий маҳсулотлар — буюртмачиларга

Наманганда ташкил этилган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 190 дан ортиқ саноат корхоналари, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган мингга яқин турдаги маҳсулотлар намойиш этилди.



Кейинги йилларда вилоятда саноатни ривожлантириш, хусусан, янги қувватларни ишга тушириш, мавжудларини модернизациялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида импорт ўрнини

босувчи рақобатбардош маҳсулотлар тури муттасил кўпайиб бораётган. Бугунги кунда бош кийимлар, эркаклар кўйлаклари, пайпоқ, пойабзаллар ва чарм маҳсулотлари, парфюмерия, пластмасса буюмлар, сантехника

жиҳозлари, автомобиль чироқлари каби 53 хилдаги маҳсулотлар маҳаллий шароитда тайёрланаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ БИРЖА САВДОЛАРИ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

20,3 фоизга кўпайди.

Шу йилнинг январь — март ойларида Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржасининг биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларида умумий оборот ҳажми

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бўйича бозор механизмларининг кенгайиши натижасида биржа савдоларида, айниқса, иккиламчи алюминий, мис маҳсулотлари, рангли металл парчалари, цемент, суёлтирилган газ ва кўмир сотиш ҳажми анча кўпайиб, бу пировардида умумий оборотни кескин ошириш имконини берди.

ИЖТИМОЙ ФИКР

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази "Ўзбекистон ёшлари: ҳаётини позициялар, маънавият, ижтимоий максатлар" мавзусида ижтимоий тадқиқот ўтказди.

Фаоллик, ватанпарварлик, интилувчанлик

Қайд этиш жоизки, юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама билимли, зукко, ҳозиржавоб қилиб воёга етказиш, уларни юксак фуқаролик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Тизимда муҳим ўрин тутатганини намоён этди. Масалан, йилги-қизларнинг олий маълумот олишга қизиқишлари ўтган даврда анча ўсган. 2006 — 2011 йилларда ушбу мавзу доирасида ўтказилган сўров натижаларига қўра, уларнинг учдан бири қисми олий маълумотга эга бўлиши истатиб бўлса, 2013 йилда ҳар икки йилги-қиздан бири шундай фикрни билдиришди.

лар кўп, лекин бизнинг Ватан — Ўзбекистон ягона ва беқубодир, деган фикрга қўшилмади.

налар, халқнинг бой ва сермаздум тарихи, ақдодлардан қолган буюк мероси, она тили ва миллий маданияти билан уйғун маъно касб этди.

Маҳаллий маҳсулотлар — буюртмачиларга

маҳсулот етказиб бердик. Ярмарка давомида эса 50 миллион сўмликдан зиёд шартномалар тузишга эришдик.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ҳаётини позициялар, маънавият, ижтимоий максатлар мавзусида ижтимоий тадқиқот ўтказди.

Ижтимоий сўров Ўзбекистон Президенти ишлаб чиққан самарали ёш авлоди жамият томонидан билдирилган юксак ишонч, давлат томонидан қўрғинга қўйилган ҳимоят ва қўллаб-қувватлашнинг ҳақиқатлиги, миллий урф-одатлар ва аъна-

Ўзбекистоннинг юксак салоҳиятига бағишланди

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Венгрия парламентининг таъкидлашчи Я. Ковач Ўзбекистон Республикасини истиқболли иқтисодиёт ва улкан интеллектуал салоҳиятга эга мамлакатлардан бири сифатида билдириши маълум қилди.

Венгрия парламенти таъкидлашчи Я. Ковач Ўзбекистон Республикасини истиқболли иқтисодиёт ва улкан интеллектуал салоҳиятга эга мамлакатлардан бири сифатида билдириши маълум қилди.

Ошкоралик ва масъулият уйғунлиги

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Зеро, ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини ошириш уларда ислохотларга дахлдорлик, яъни мутахассис бўлиш ҳамда мамлакат тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш руҳида тарбиялашнинг муҳим шартидир.

Азамжон Салоҳиддинов, Самарқанд-СТВ телевизион ижодий уюшмаси директори: — Шубҳасиз, ҳуқуқий таърихни қонун ижодкорлиги фаолиятининг илғор усули сифатидаги максатлари ҳамда моҳиятини чуқур англаб етиш давлат органлари ва оммавий ахборот воситалари учун катта маънога эга.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ҳозирги пайтда бу ерда таълим жараёнлари ривожланган мамлакатлар ўқув юртидаги илғор таърибалар асосида олиб борилаётир.

Малакали кадрлар божхона тизими ривожига алоҳида ўрин тутди

Давлат Божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтини таъкидлашчи Я. Ковач Ўзбекистон Республикасини истиқболли иқтисодиёт ва улкан интеллектуал салоҳиятга эга мамлакатлардан бири сифатида билдириши маълум қилди.



Модернизация ва инновацион технологиялар

саноат тармоқларида юқори ўсиш суръатларига эришишнинг муҳим омилдир

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Жамоа йил бошидан буюн буюртма асосида "IQOP 3(4)-45" русумли плуглар тайёрлади.

мўлдорлари фаолияти самарадорлигини оширишда қўл келмоқда.

камли токарлик дастгоҳи олиб келиб ўрнатилди. Диаметри 5,6 метр, оғирлиги 60 тоннани ташкил этувчи мазкур қурилма автоматик тарзда бошқарилиб, бир йўлга 6 хил операцияни бажаради.

дан келиб чиқиб, жорий йилда ишлаб чиқариш суръатларини янада ошириш орқали янги-янги муваффақиятларни қўлга киритиш режалаштирилган.

ИЛМ-ФАН

Кейинги йилларда иқтисодий тараққиёт этган ва ривожланиб бораётган мамлакатларда аънавий ёқилга-энергетика ресурслари билан бир қаторда, муқобил энергия манбаларидан кенг миқёсда фойдаланишга ўтиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айтиш мумкинки, республикамизда ҳам ноънавий, хусусан, қуёш, шамол, гидравлик (оқар сувлардан ҳосил қилинади), геотермал (ернинг ички иссиқлик энергияси), биологик (қишлоқ ҳўжалиги чикндилари) каби энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича улкан имкониятлар мавжуд.

1 квадрат метр бўлган қуёш фотоэлектрик батареялардан электр энергияси манбаи сифатида фойдаланилганда, йилга 100-105 куб метр табиий газ тежа қилинади.

Муқобил энергия манбалари:

Имконият ва истиқбол

бор беринг: дейлик, республикамизда аҳоли жон бошига фойдаланиладиган қуёш коллекторларининг сатҳи 0,5 квадрат метрга етказилса, иссиқ сув таъминоти тизимларида табиий газ сарфини йилга 1,2-1,3 миллиард куб метрга камайтириш мумкин.

фоизига тенгдир. Келгусида юртимизда фойдаланиладиган гидравлик электр станцияларининг умумий қуввати 1700 МВт бўлиб, улар ёрдамида йилга 6 миллиард кВт соат электр энергияси ҳосил қилинади.

сув билан таъминлаш имконияти қийин бўлса, бу масалани ижобий ҳал этишда айнан қуёш фотоэлектрик батареялари ҳамда шамол электр двигателлари жуда қўл келади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Р. АВЕЗОВ, техника фанлари доктори, профессор.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
ХУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING FAN VA TEXNIKA,
АДАБИЁТ, САЊАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ
ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари тўғрисидаги низомга мувофиқ, 2013 йилда бериладиган Давлат мукофотлари учун тавсияларни қабул қилиш ҳақида 2012 йилнинг октябр ойида марказий газеталарда эълон қилинди.

2012 йилнинг октябрдан 2013 йилнинг январигача бўлган муддатда Давлат мукофотлари учун фан ва техника соҳаси бўйича 29 та, адабиёт соҳаси бўйича 5 та, санъат ва

меъморчилик соҳаси бўйича 16 та тавсия қабул қилинди ва уларнинг барчаси атрофида кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши 2013 йилда бериладиган Давлат мукофотлари танловига қуйидаги ишлар кенг жамоатчилиги муҳокамасидан ўтказиш учун қўйилганини маълум қилади:

Фан ва техника соҳасида:

1. М. Ж. Азизов, Н. В. Ступина, М. Э. Ирисметов. Йирик бўғимлар ортопедик патологиясини даволашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш бўйича илмий ишлар мажмуи. Амалий тадқиқот.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти томонидан тавсия этилган.

2. М. М. Зуфаров, Х. О. Абдурахмонов, Х. А. Назирова. Юрак-қон томир касалликларининг диагностикаси ва даволашда замонавий услубларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш. Амалий тадқиқот.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика иختисослаштирилган хирургия маркази томонидан тавсия этилган.

3. Ш. С. Намозов, Б. Б. Содиков, Н. В. Волникова, Х. Ч. Мирзакулов, Б. М. Беглов. Марказий Қизилқум фосфоритларидан юқори концентраланган фосфорли ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва санъатга жорий қилиш. Амалий тадқиқот.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент кимё-технология институти томонидан тавсия этилган.

4. А. М. Абдуқаюмов, А. Э. Рихсиев, У. С. Солиҳбоев, С. С. Хўжаев.

ВВР-СМ ядро реактори негизда янги типбий изотопларни ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш. Амалий тадқиқот.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти томонидан тавсия этилган.

5. С. Дадамухамедов, Р. А. Мўминов, Х. Собиров, М. Н. Турсунов, И. А. Йўлдошев. Кремнийли фотоайлангичлар асосидаги қуёш нурланishi бевосита электр энергиясига айлантирувчи ҳозирги замон тизимлари ишланмасини яратиш ва уларни ишлаб чиқиш. Амалий тадқиқот.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Физика-Қуёш" ИИЧБ Физикатехника институти томонидан тавсия этилган.

6. А. Садуллаев. "Плюрипотенциаллар назарияси. Қўлланиши" монографияси. Фундаментал тадқиқот.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан тавсия этилган.

7. Ш. С. Сирожидинов. "Алишер Навоий: манбаларнинг қисбий-типология, технология таҳлили" асари. Фундаментал тадқиқот.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан тавсия этилган.

Санъат ва меъморчилик соҳасида:

1. О. Файзуллаев. "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи биносидаги "Баҳор қуёши" номли ёғоч ўймакорлиги асарлари тўпла-

ми (маҳобатли нақшинкор эшиклар тўплами). Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тавсия этилган.

2. М. Х. Қодиров. "Ўзбек анъанавий театри" монографияси. Санъатшунослик соҳасидаги асарлар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тавсия этилган.

3. Ж. Т. Изентаев (мархум). "Қорақалпоқ элим менинг" туркум асарлари. Рангтаъсир асарлар туркуми.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тавсия этилган.

4. А. М. Алиқулов. "Шонли тарихимиз — рассом нигоҳида" монументал асарлар туркуми.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тавсия этилган.

ми (маҳобатли нақшинкор эшиклар тўплами).

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тавсия этилган.

2. М. Х. Қодиров. "Ўзбек анъанавий театри" монографияси. Санъатшунослик соҳасидаги асарлар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тавсия этилган.

3. Ж. Т. Изентаев (мархум). "Қорақалпоқ элим менинг" туркум асарлари. Рангтаъсир асарлар туркуми.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тавсия этилган.

4. А. М. Алиқулов. "Шонли тарихимиз — рассом нигоҳида" монументал асарлар туркуми.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхона ва ташкилотлар, илмий муассасалар, таълим муассасалари, илмий-техник жамоатликлар, олимлар ва мутахассислар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари, архитекторлар ҳамда кенг жамоатчиликдан муҳокамага қўйилаётган ишлар ва уларнинг муаллифлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди.

Барча тақризлар, фикр ва хулосалар, муҳокама натижалари фан ва техника соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига юборилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси манзили:

100047, Тошкент шаҳри, Ҳўб Фуломов кўчаси, 70-уй, 322-хона. Тел.: (8-371) 233-59-46.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги манзили:

100017, Тошкент шаҳри, Мустақиллик — 5. Тел.: (8-371) 239-49-57.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши.

«(Давами. Бошланиши 1-бетда).

Давлат солиқ хизмати органларида замонавий WEB-технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, солиқ маъмуричилиги самардорлигини оширишга ҳамда солиққа оид ахборотларнинг электрон алмашинуви, уларни қайта ишлаш ва сақлашни таъминловчи 30 га яқин дастурий комплекслар ишлаб чиқилиб, амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирги пайтда мазкур дастурий комплекслар ёрдамида давлат солиқ хиз-

мат хизмат қилаяпти. Гап шундаки, мазкур хужжат қабул қилиниши билан солиқ органларининг интеграциялашган ахборот-ресурс базасини шакллантирувчи янги босқич бошланди.

Давлат солиқ қўмитасининг ягона интеграциялашган ахборот-ресурс маълумотлар базасининг асоси сифатида 2012 йилда "Маълумотларни қайта ишлаш ва солиққа оид ахборотларни сақлаш маркази" лойиҳасининг яратилиши ахборот-коммуникация технологияларини солиқ органлари фаолиятига жорий этишнинг мантикий давоми бўлди.

Интерактив хизматлар кўлами кенгаймоқда

матри органлари таркибий тузилмалари ўртасида қўғоз шаклидаги хужжатлар муомаласи минимал ҳолатга келтирилди. Маълумотларнинг катта ҳажми, архивлар, кўриш-чиқим хужжатлари электрон шаклга ўтказилди ва тизимлаштирилди.

Интерактив хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, солиқ тўловчиларга бошқа ахборот хизматлари кўрсатиш солиқ органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан www.soliq.uz расмий сайти орқали солиқ тўловчиларга 22 хилдаги интерактив хизматлар кўрсатилаётгани, улар доимий равишда такомиллаштириб борилаётгани эътиборга молик.

Пировадиди унинг барча таркибий тузилмалари ҳамда тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинуви теъдилли равишда қўйилди. Президентимизнинг 2012 йил 30 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунда дастуриямал бўлиб

Биринчи босқичда Давлат солиқ қўмитасининг марказий маълумотлар базасига давлат солиқ хизматининг 194 ҳудудий органларининг ахборот базалари бириштирилди. Иккинчи босқичда Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базасига вазирлик ва идораларнинг солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзга келиши (тўхтатилиши) бўйича ахборот базаларини интеграциялаштириш кўзда тутилган.

Қарорга мувофиқ, тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ахборот тури аниқ кўрсатилган ҳолда, Давлат солиқ қўмитасига маълумотлар тақдим этиш мажбурияти қонуний ҳақдан белгилаб қўйилди.

"Маълумотларни қайта ишлаш ва солиққа оид ахборотларни сақлаш маркази" ўзида солиқ тўловчилар учун кенг қўламадаги электрон хизматлар кўрсатиш имкониятини яратиб берадиган катта ҳажмдаги ахборотга тезкор ишлов бериш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш янги поғонага кўтариш бўйича вазифаларни бажариш учун мўлжалланган барча солиқ органларининг дастурий-техник ва телекоммуникация тизимининг ягона карқасини ифода қилади. Эеро, марказнинг бу борадаги фаолияти нуфузли тадбирда юксак эътироф этилгани солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган интерактив хизматлар кўлами кенгайиб бераётганидан далолатдир.

Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.

Реклама ва эълонлар

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ
барча юридик ва жисмоний шахсларни бошлангич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.

«BUKHORO MULK MARKAZI» МЧЖ
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
очик танлов савдосига таклиф этади.
ТИФ «Миллийбанк» томонидан ТИФ «Миллийбанк» кенгашининг 2013 йил 19 февралдаги 12-сонли қарорига асосан, қуйидаги кўчмас мулк танлов савдоларига тақридан қўйилмоқда: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Олтинтоғ (Ж. Останов) кўчаси, 45-уйда жойлашган, собиқ «Усматана-Сантехника» ҚКга тегишли, умумий майдони 12158 кв.м.дан иборат бўлган 11 та бино, 3 та иنشот, ишлаб чиқариш ускуналари ва бошқа мол-мулклар жамланмаси.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Бухоро вилояти филиали
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Сирдарё вилояти филиали
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

БИЛДИРИШ
Юнусобод тумани суд ижрочилиги бўлимининг 2013 йил 12 майдаги 19307/22-сонли хатига асосан, «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 5 апрелдаги 65-сонидан эълон қилинган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темури шохқўчаси ва Эргашев кўчаси кесишмасидаги 1-уйнинг бошлангич баҳоси 32 633 600 сўм, деб ўқилсин.

18 МАЙ — ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ



Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда музейлар ишини тубдан янгилаш ҳамда яхшилаш юзасидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши бу йўналишда туб бурилиш ясади.

Бой мерос ва боқий қадрият

Ўтган давр мобайнида ушбу вазифаларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши туфайли мамлакатимиздаги музейлар фаолияти мазмун жиҳатидан бутунлай янгиланди. Бу йилларда Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейи, "Олимпия шон-шухрат" музейи, "Қатагон қўрбонлари хотира-си" музейи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси, Камолддин Бехзод номли бог-музейи, Куролли Кучлар давлат музейи ҳамда Термиз шаҳрида Археология музейи, Нукус шаҳрида Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат музейининг янги биноси, Хивада Маъмур академияси тарихи музейи, Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек музейи каби мамлакатимиз ма-

даний ҳаётида улкан воқеа бўлган янги масканлар барпо этилди. Таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида ташкил қилинган ҳар бир музейнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигида Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида 1996 йилда бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейини олайлик. У энг ноёб иншоотлардан бири ҳисобланади. Музейда қисқа давр ичида Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ҳамда маданиятнинг юксак даражадаги тараққиёти ҳаққоний акс эттириш, кенг тарғиб қилиш борасида етарли тажриба тўпланган. Бу эса нафақат мамлакатимиз, шу билан бирга, хорижлик сайёҳларни ҳам ўзига жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда. Худди

шундай фикрларни "Қатагон қўрбонлари хотира-си" музейи, Термиз Археология музейи, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек музейи, Куролли Кучлар давлат музейларига нисбатан ҳам билдириш мумкин. Ҳозир ахборот асри. Бинобарин, ижтимоий ҳаётимизга катта шиддат билан ахборот-бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейини олайлик. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалар ҳамда ўқувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Музейлар бўйича виртуал саёҳатлар ташкил қилиш, музей экспонатларининг электрон базасини яратиш ишлари босқичма-босқич амалга ошириб

қилинмоқда. Бугунги кунга келиб, барча йирик музейларимиз ўз веб-сайтларига эга бўлиб, уларни дунёнинг исталган нуқтасидан интернет орқали томоша қилиш мумкин. Таълим-тарбия жараёнига музей педагогик технологиялари татбиқ этиш билан музейга ташриф буюрувчиларнинг Шу мақсадда бу йил ҳам Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ташаббуси билан Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Бадий академия ҳамкорлигида "Музей — тарих кўзгуси" шiori остида ҳафталик тадбирлар ўтказилиб, унда музейшунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, хунармандлар иштирок этишмоқда. Буларнинг барчаси маърифий масканлар — музейлар фаолиятини такомиллаштириш, улар орқали аждодларимизнинг бой мероси ва ўлмас қадриятларимизни жаҳон узра кўз-кўз этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Муроджон МАЖИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданий-маърифий муассасалар, музейлар, кутубхоналар, қалъ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиги.



Тиббиёт хабарлари

Самарқанд шаҳрида "Гавҳар" кўз касалликлари шифохонаси иш бошлади. Бу ерга ўрнатилган илғор тиббий ускуналар ёрдамида кўз билан боғлиқ хасталикларни чоксиз даволаш йўлга қўйилди.

Муолажанинг илғор усули

— Ривожланган давлатларда катаракта таш-хиси қўйилган беморлар факоемульсиялаштириш усули билан даво-ланади, — дейди клиника бош шифокори Баҳодир Холбеков. — Айтиш керакки, кўз гавҳарининг лойқаланиши, яъни катаракта касалли-гини бундай усул билан даволашнинг бир қатор афзалликлари бор. Ана шу усулда амалга оши-рилган жарроҳлик амалиёти жараёнида кўзга чок тушмайди. Шунинг-дек, анъанавий муола-жада кўзга қаттиқ гавҳар қўйилса, янги усулга му-вофиқ юмшоқ гавҳар қўлланилади. Қолавер-са, жарроҳлик амалиёти компьютер ёрдамида амалга оширилади. Катаракта билан бир қаторда, кўз билан боғ-лиқ бошқа касалликлар ҳам лазер нури ёрдами-да даволанади.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Зангиота туманидаги "Қизгалдоқ" қишлоқ врачлик пункти таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилиши худуд аҳлига муносиб тўхфа бўлди.

Замонавий КВП

Муассасада иссиқ ва совуқ сув таъмино-ти яхшиланиб, ташқи муҳандислик тармоқ-ларидаги камчиликлар бартараф этилди. Бу мақсадлар учун бюджетдан 205 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Айтиш керакки, кўз гавҳарининг лойқаланиши, яъни катаракта касалли-гини бундай усул билан даволашнинг бир қатор афзалликлари бор. Ана шу усулда амалга оши-рилган жарроҳлик амалиёти жараёнида кўзга чок тушмайди. Шунинг-дек, анъанавий муола-жада кўзга қаттиқ гавҳар қўйилса, янги усулга му-вофиқ юмшоқ гавҳар қўлланилади. Қолавер-са, жарроҳлик амалиёти компьютер ёрдамида амалга оширилади. Катаракта билан бир қаторда, кўз билан боғ-лиқ бошқа касалликлар ҳам лазер нури ёрдами-да даволанади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Qishloq Qurilish Bank

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, фуқаролар фаровонлигини юксалтириш ва худудлар ободлигини таъминлашда банклар фаолияти муҳим ўрин тутаяди.

Тезкор, қулай, ишончли

Чунончи, бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган молиявий хизмат турларини кенгайтириш ҳамда уларнинг сифатини янада яхшилаш бўйича "Қишлоқ қурилиш банк" очик акциядорлик тижорат банки томонидан амалга ошири-лаётган илғор саноатчилик дикчатта сазовордир.

Хозир "Қишлоқ қурилиш банк" ўз миқозларига энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида яратилган янги интерактив хизмат турларини тақдим этмоқда. "Internet-banking", "SMS-banking", "SMS-to'lov" ҳамда банкнинг расмий веб-сайти www.qqb.uz орқали кўрсатила-ётган бошқа турдаги хизмат-лар шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда жаҳонда тобора ривожланиб бораётган "Internet-banking" технологияси тўғрисида фақат ижобий фикрлар билдириш мумкин. Хусусан, ушбу технологиянинг энг қулай жиҳати шундаки, миқозларнинг вақти, маблағи тежалган ҳолда, улар республикамиз ёки дунёнинг исталган жойидан туриб интернет орқали ўз ҳисоб рақамларини бошқаришлари мумкин.

2005 йилда "Қишлоқ қурилиш банк" тизимида "Bank-client" хизматидан фойдалана-ётганлар сони 200 дан ошма-ган бўлса, автоматлаштирил-ган ахборот тизимларининг босқичма-босқич такомилла-штирилиши, жумладан, Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш технологиясининг татбиқ этилиши, Ягона баланс тизимига ўтилиши, "Bank-client" ўрнига "Internet-banking" техно-логияси қўлланилиши ва бошқа қатор инновацион техно-логияларнинг жорий этили-ши натижасида масофавий хиз-мат турларидан фойдаланувчи-лар сонининг кескин ошганли-гини кўриш мумкин. Жум-ладан, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, "Internet-banking" хизматидан фой-даланувчилар сони 758 тага етган бўлса, бугунги кунга келиб, улар сони 1260 тадан ошганини ва ҳозир бу хизмат турига ула-ниш истагини билдира-

ётганлар тобора ортиб бора-ётганини қайд этиш лозим. Айтиш жоизки, банкда ахборотлар билан ишлаш қулай-лигини таъминлаш мақсадида барча маълумотлар марказ-лаштирилган, яъни ҳар бир миқозга тегишли бўлган маълумот электрон жадвал бўйича Марказий ҳисоблаш комплекс-ида жойлаштирилган. У орқали қисқа фурсат ичида иста-лган даврга оид ҳар қандай маълумотни олиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, банкни бошқаришни энгилаштириш, миқозларга сифатли ва тез-кор хизмат кўрсатиш, қарор қабул қилишда хатога йўл қўймаслик имконини беради.

"Қишлоқ қурилиш банк"да "SMS-to'lov" хизматини татбиқ этиш ва уни кенгайтириш бўй-ича аниқ чора-тадбирлар режа-си ишлаб чиқилган бўлиб, банк-да ушбу тизимни кенг ривож-лантириш жараёни давом эт-тирилмоқда. Хозир "SMS-to'lov" орқали тест-режимда тўлов-ларни миқоз томонидан ўтқа-зиш жараёни муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу техно-логия орқали миқозлар хиз-мат кўрсатиш шохобчаларида ўз мобил телефонларидан иста-лган маблағни ҳар қандай хизмат ва товар учун тезкор равишда нақдсиз тўлаш ёки ҳисобларини тўлдириб олиш каби амалиётларни бажариш имкониятига эга бўладилар.

Мижозлар учун яратилган яна бир қулайликлардан шунки қайд этиш мумкинки, "Қишлоқ қурилиш банк" Дав-лат интерактив хизматларининг ягона порталига (ЕПГУ) уланган бўлиб, эндиликда ҳар бир миқоз ҳукумат портали-да ўзи учун шахсий кабинет очиб, у орқали банк билан интерактив алоқага кириши-ши, электрон хат ёки маълумот жўнатиши мумкин.

Мухтасар айтганда, "Қишлоқ қурилиш банк" аҳолига қулай имконият, тезкор хизматларни тақдим этиш орқали уларнинг давр билан ҳамнафас яшаш-ларига зарур шарт-шароит яратаяди.

Банк матбуот хизмати.

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти. Меҳнат жамоаси мамлакатимиз кон ва металлургия соҳасида меҳнат қилаётган барчани яқинлашиб келаётган касб байрамлари — Ўзбекистон Республикасининг Кон-металлургия саноати ходимлари кунин билан самимий қутлайди! Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг обод ва фаровон турмуши омили бўлган саноатимиз ривожига залворли меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган кончи-металлургияларнинг заҳматли меҳнатлари таҳсинга сазовордир. Ушбу шуқуҳли дамларда соҳанинг барча меҳнаткаш ва фойдаланувчиларига сиза-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик тилаб, мамлакатимизнинг янада юксалиши йўлидаги шарафли ва масъулиятли фаолиятларида улкан зафарлар тилаймиз!

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 114 475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибиат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

LADA БИЗНЕС. от дилера «SARDOR AVTO INVEST». ВИС-2347, LADA SAMARA, борт. ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон. ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4. ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4. ЦЕНТРИ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ: Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-18-17. Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09, (+99895) 177-01-17. Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz